

20-Yanvar, 2026-yil

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

*Фаргона давлат университети Педагогика кафедраси  
в,б доценти п.ф.б.ф.д (ПхД)*

**Арипов Шокиржон Олимович**

*Педагогика йўналиши 25.24 гуруҳ талабаси М.Х.Муродова*

*Педагогика йўналиши 24.23 гуруҳ талабаси М.Т.Ахмаджонова*

*Педагогика йўналиши 23.26 гуруҳ талабаси Ф.М.Рахмонова*

**Аннотация:** *Инновацион технология таълимнинг кафолатланганлик натижаси самарадорлигини ва мақсадга эришишини аниқ белгилайди. Натижа мақсадга қанча яқин бўлса, ўқув-тарбия жараёни шунча самарадор ҳисобланади ва бу таълимнинг замонавий техник воситалари ва илгор технологияларни амалга оширишининг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.*

**Калит сўзлар:** *инновацион технология, кафолатланган таълим, илгор технология, мустақил фикрлаш, тизимли ўқитиш*

**Аннотация:** *Инновационные технологии четко определяют эффективность и достижение гарантированного результата обучения. Чем ближе результат к цели, тем эффективнее учебный процесс - это важный аспект внедрения современных технических средств обучения и передовых технологий.*

**Ключевые слова:** *инновационные технологии, гарантированное образование, передовые технологии, самостоятельное мышление, систематическое обучение.*

**Abstract :** *Innovative technologies clearly define the effectiveness and achievement of a guaranteed learning outcome. The closer the result is to the goal, the more effective the educational process is an important aspect of introducing modern technical training aids and advanced technologies.*

**Keywords:** *innovative technologies, guaranteed education, advanced technologies, independent thinking, systematic training.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли, 2018 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сон Қарори, 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида” 802-сон қарори, 2021 йил 3 августдаги “Мобиль гуруҳлар базасида мақтабгача таълим хизматларини кўрсатиш

тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 494-сон қарори, шунингдек Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх сонли “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ҳамда “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурини амалда жорий этиш, шу асосда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни назарда тутди. “Мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар” модулининг ишчи ўқув дастури мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларига таълимда замонавий ёндашувлар ва инновация, интеграцияларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

Ҳаётимизнинг барча соҳалари каби таълим тизимини ҳам модернизациялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири

бўлиб қолмоқда. Инновацион таълим муҳитини яратиш, уни халқаро андозаларга тўлиқ мослигини таъминлаш ёшларимизни бугунги тез ўзгарувчан ижтимоий ҳаётга муваффақиятли ижтимоийлаштиришнинг муҳим омилidir. Таълимни ривожлантиришнинг илк босқичида

ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш зарурий эҳтиёж бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мактабгача таълим тизимининг мазмуни ва сифати бизнинг жамиятимизни долзарб масалалари ва устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Мактабгача таълимни янада ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш усуллари ва тадбирлари

изланмоқда ва шу билан бирга мактабгача таълим-тарбия жараёнида янги ахборот коммуникацион технологияларини жорий этиш масаласи оммалаштирилмоқда. Ҳозирги даврда ахборот коммуникацион технологиялари тараққиётимизнинг асосий тармоқларидан

бири бўлган мактабгача таълим жараёнининг жадал ривожланиб боришида, уни амалга ошириш учун замонавий ёндашув жараёнида ўрни ва самарадорлиги бекиёсдир. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига таълим-тарбия беришда ахборот технологияларидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бугунги кунда барча мактабгача таълим ташкилотлари замонавий компьютер ва ахборот

технологиялари воситалари билан жиҳозланган. Тарбияланувчиларда компьютер саводхонлигини шакллантириш, уларни компьютердан элементар тарзда фойдаланишга ўргатиш мактаб

таълимига тайёрлашнинг долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари монитор экранида намойиш этиладиган материалларни ўрганиб борсалар ва компьютердан фойдаланиш бўйича етарлича кўникма ҳосил қилсалар,

мактабнинг бошланғич синфига борганда ҳам компьютер ва ахборот технологияларидан фойдалана олиш малакасига эга бўладилар. Шу билан бирга,

20-Yanvar, 2026-yil

тарбияланувчиларнинг компьютердан фойдаланиш жараёнида мантиқий тафаккурлари ривожланади, билимолишга ҳаваслари ва иштиёқлари ортади, дунёқарашлари шаклланади. Мактабгача таълим

ташкilotларида болаларга компьютер технологияларидан фойдаланиб машғулот ўтишда қўйидагиларга эътибор бериш керак. Болаларнинг ёшини ва фикрлаш даражасини, таълим материални қай даражада эслаб қолиш имкониятларини ҳисобга олиш, компьютер билан

ишлаганда кўз толиқишини олдини олишни ҳисобга олиш керак. Агар болалар берилаётган материалларни кўриш (видео) асосида қабул қилса, ахборотнинг хотирада сақлаб қолиниши 25-30 % га ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика

кўринишида мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 75%га ортади. Мактабгача таълим ташкilotи педагог ходимлари доимо ўз билим доирасини янгилаб бориши, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини билиши, ташаббускор, ижодкор бўла олиши лозим. Компьютер воситасида тайёрланган анимациялар, видеофильмлар, слайдлар, мультимедиа тақдимотлари мактабгача ёшдаги болаларга билимларни ўзлаштиришда яхши самара бериб, материални мустақил ўзлаштириш ва назорат қилиш имконини беради. Бу эса, тарбиячи-педагогларнинг ўз фаолияти жараёнида янгича ёндашувини, машғулот ўтиш жараёнида болаларни билим, малака ва ўникмаларини шакллантириш ҳамда уларни тушунарли ва қизиқарли шаклда ташкил этишда замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланишни тақазо этади.

Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда тингловчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўз моҳиятига кўра педагогик технология вақт тақсмотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизимни ифодалайди. Таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Илғор педагогик технологиялар ва инновациялар ўз-ўзидан таълим тизимига кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг мотивациясига боғлиқ жараён. Ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб унинг масъулияти ва фаоллигини оширмасдан таълимда бир қадам олдинга силжиб бўлмайди. Академик А.Н. Леонтев «Дунёни идрок қилишнинг биринчи шарти - фаолият, иккинчи шарти - тарбиядир. Фаолият жараёнида; кишиларнинг қобилияти, билим ва малакалари шаклланади, демак, фаолият ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳаётий курашнинг асосий шартидир. Педагогик фаолият, унинг тузилиши ва таркибий қисмлари ҳақида жуда кўп олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, С.Л.Кўзмина ўз тадқиқотларида педагогик фаолиятнинг

генесеологик (билиш), лойиҳалаш, ташкилотчилик, коммуникатив таркибий қисмлари мавжуд эканлигини баён этиб ўтган.

Ибн Сино таълим жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим деб ҳисоблайди: ўқитишда оддийдан мураккабга қараб бориш; боланинг қобилият ва майлларини эътиборга олиш; болага кучи етадиган машқларни бажартириш; таълимни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб борилиши. Болага таълим ва тарбия бериши учун саховатли, доно, иймонли, ахлоқий ва ақлий тарбия усулларини яхши биладиган, иродаси кучли муаллим ва тарбиячини танлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида инновацияларни қўллаш биз таълим ходимларини ўз фаолиятимизни давр ва замон талабига мос равишда, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси ва халқаро андозаларга жавоб берадиган даражада олиб боршимиз, бунинг учун доимо изланишда бўлишимиз ва янгиликка интилишимиз кераклигига ундайди.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик дойдаси бўлиши керак. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистан
2. Г.Н.Ахунова, Л.В.Голиш, Д.М. Файзуллаева “Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш” Т.: “Иқтисодиёт” 2009 й
3. Ишмухамедов Р. ва б. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъдод, 2008
4. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015
5. Ишмухамедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар.- .Т.: Фан, 2010. [96-98 б.]
6. Абдукодиров А., Ишмухамедов Р., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).- Т.:Истеъдод, 2008й
7. Tuuchieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustaeв, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. 湖南大学学报 (自然科学版), 48(8).
8. Olimovich, A. S. (2023). The Role of Parents in the Formation of Young People and the Imagination of the Family. Journal of Intellectual Property and Human Rights, 2(4), 4-8.
9. Aripov, S. O. (2020). SOCIO-PSYCHOLOGICAL ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE FAMILY IN PREPARING CHILDREN. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 311-313).

20-Yanvar, 2026-yil

10. Olimovich, A. S. (2023). DINIY VA DUNYOVIY BILIMLAR ASOSIDA AJRIM SABABLARINI YOSHLARNI OILAGA TAYORLASHDA YETKAZIB BERISH. IJODKOR O'QITUVCHI, 3(26), 335-338.

11. Aripov Shokirjon Olimovich Yoshlarni oilaga tayorlashda oilada er va xotinning ayrim majburiyat va burchlarini qonuniy jihatdan tushuntirish. Academic Research in Educational Sciences VOLUME 3 | ISSUE 1 | 2022 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF): 5.723 Directory Indexing of International Research Journals- CiteFactor: 0.89 DOI: 10.24412/2181-1385-2022-1-68-75

